

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ ЭРКИН БОЛТАЕВИЧ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА ЎЗЛАШТИРМАЛИК ВА МАТН

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Жумаев Эркин Болтаевич

Ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик ва матн 5

Джумаев Эркин Болтаевич

Косвенность и текст в узбекском литературном языке..... 21

Jumaev Erkin Boltaevich

Indirectness and text in the Uzbek literary language 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 41

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ ЭРКИН БОЛТАЕВИЧ

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА ЎЗЛАШТИРМАЛИК ВА МАТН

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil1542 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Фируз Сулаймонович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Бахриддинова Башорат Мадиевна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети


Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «31» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)


Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)


Диссертация автореферати 2021 йил «13» август куни таркатилди.

(20 21 йил «13» август даги 10 - рақамли реестр баённомаси).




Д.З. Ражабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент


Г.И. Тоирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент


Ғ. Н. Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибиди, илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фанида XX асрнинг биринчи ярми охирларида гапнинг лисоний-нутқий хусусияти билан бир қаторда гапдан йирик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, гаплар ҳамкорлиги, бирлиги ҳам тадқиқ этила бошлади ва кейинчалик рус тилида текст, немис тилида *text*, инглиз ва француз тилларида *discourse*, *discour*, яъни матн деб номланган бундай бирлик алоҳида тадқиқотлар учун манба бўлиб келмоқда. Ҳозирда жаҳон тилшунослигида ўзлаштирмалик тадқиқига матн лингвистикаси ва матн грамматикаси асосида ёндашувларнинг ривожланиши ҳам шу омил билан боғлиқ. Ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ ва ўзлаштирма сўроқнинг коммуникатив мақсад категорияси воситалари орасида тутган ўрнини белгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида 70-йилларнинг бошида матнни тадқиқ этишга қизиқиш янада ортиб, тилшуносликда семантика, прагмалингвистика, функционал услубият, яъни энг аввало нутқнинг социал жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса матн грамматикасида микроматнда акс этган объектив мазмун, яъни макропропозицияни, микроматннинг коммуникатив яхлитлигини ҳосил қилувчи тема-рематик занжирни, микроматннинг тузилиш жиҳатдан яхлитлигини ҳосил қилувчи, ўзи қўлланган гапнинг олдинги ёки кейинги гап(лар) билан боғлиқлигини кўрсатиш учун хизмат қилувчи воситаларнинг хусусиятларини чуқур ўрганишга имконият яратди.

Ўзбек тилшунослигида *матн лингвистикаси* кенг кўламда жадал суръатлар билан тадқиқ этилмоқда. Қисқа муддат ичида бу соҳага дахлдор ўнлаб тадқиқот яратилди. *Матн грамматикаси* эса тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Шўро даврида ўзлаштирмалик¹нинг синтактик тури назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб олий ва ўрта таълимга татбиқ этилди, яъни қоидалаштирилиб кодификация қилинди. Аммо ўзлаштирмаликнинг морфологик тури махсус тадқиқ қилиниб назарий жиҳатдан етарли асосланмаганлиги сабабли ўрта ва олий таълимга татбиқ этилиб дарслик ва қўлланмаларга киритилмади. Ҳозирги кунда «... ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатинини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур»². Шу жиҳатдан феълнинг ўзак, негизига қўшимча қўшиш билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмаликнинг морфологик воситалари ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи усул сифатида матн таркибида тадқиқ қилиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-

¹ Ўзлаштирмалик деганда биз ўзганинг нутқини ўзлаштириб баён қилиш ҳодисасини тушунаимиз.

² Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. 2019 йил 22 октябрь. – Б. 2.

6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида К. Боаст, Ҳ. Вайнрих, М. Ҳаллидей, Э. Агрикола, Ҳ. Исенберг, В. Дресслер, Й. Риэс, Т. А. ван Дейк, Ф. Данеш, К. Э. Ҳейдолф, Р. Ҳарвег, М. Бирвич, Ҳ. Бринкман кабиларнинг матн лингвистикаси ва матн грамматикасига доир илмий изланишлари эътирофга лойиқ³.

Рус тилшунослигида эса бу борада А. И. Белич, О. И. Москальская, Г. Я. Солганик, Л. П. Доблаев, Т. Н. Гостюк, Л. М. Лосева, Н. И. Серкова К. Ф. Ромашкин, Г. А. Кулакова каби синтактик-семантик бутунлик ёки период, матн грамматикаси, мураккаб синтактик бутунлик, матннинг мантикий-психологик таҳлили, матннинг коммуникатив бўлиниши, монологик нутқ матнларидаги жумлалараро алоқа борасидаги мақсадли тадқиқотларни келтириб ўтиш ўринли⁴.

Ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси, жумладан, матннинг когнитив таҳлили, матннинг прагматик талқини, матн мазмуний пер-

³ Boast K. Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, Berlin / Leipzig, Jahrg.1949, Heft 3.S. 7 – 15; Weinrich H. Sprache in Texten. Stuttgart, 1976. S. 356; Halliday M.A.K. Language Structure and Language Function. Y. Xyons (ed.). New Horizons in Linguistics. Harmonsworths, 1970; Agricola E. Vom Text zum Thema. Studia grammatica. XI. Berlin, 1976. S. 15 – 25; Isenberg H. Texttheorie und Gegenstand der Grammatik. – Berlin,1972. – S. 125; Dressler W. Einführung in die Textlinguistik. – Tübingen, 1973. – S. 289; Ries J. Was ist ein Satz? // Beitrage zur Grundlegung der Syntax, Heft 3. – Prague, 1931; Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – Москва, 1989. – 308 с.; Danes F. Zur linguistischen Analyse der Textstruktur. Folia linguistica, 4, 1970. – Folia Linguistica IV. – S. 72–78; Heidolph K.E. Kontextbeziehungen zwischen Sätzen in einer generativen Grammatik. – «Kybernetika», 2, 1966. – S. 274 – 281; Harweg R. Pronomina und Textkonstitution. – München, 1968. – 395 s.; Birwisch M. Regeln für die Intonation deutscher Sätze. Studia grammatica VII. – Berlin, 1966. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2.Auflage. –Düsseldorf, 1971. – 455 s.

⁴ Белич А.И. К вопросу о распределении грамматического материала по главным грамматическим дисциплинам. Вестник МГУ, №7. – Москва, 1947. – 22 с.; Москальская О.И. Грамматика текста. Пособие по грамматике немецкого языка для институтов и факультетов иностранных языков. – Москва, «Высшая школа», 1981. – 184 с.; Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика (Сложное синтаксическое целое). – Москва, 1973. – 181 с.; Гостюк Т.Н. Коммуникативное членение сложноподчинённого предложения и его отношение к структуре текста. Канд. дисс. – Москва, 1977. – С. 171; Доблаев Л.П. Смысловая структура учебного текста и проблемы его понимания. Автореф. дисс. ...д-ра. филол. наук. – Саратов, 1972. – 41 с.; Лосева Л.М. Межфразовая связь в текстах монологической речи. Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Одесса,1969. – 42 с.; Серкова Н.И. Сверхфразовое единство как функционально речевая единица. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1968. – 22 с.; Ромашкин К.Ф.Логико-грамматическая характеристика сочинительных союзов (на материале совр. нем. яз.). Канд. дисс. – Москва, 1972. – 206 с.; Кулакова Г.А. Роль главного предложения в структурировании гипотаксиса и включение его в текст. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1972. – 22 с.

цепциясининг психоллингвистик тадқиқи, матннинг коммуникатив прагматик мазмуни, матн модаллиги, бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи, матннинг антропоцентрик тадқиқи борасида Ш. С. Сафаров, А. Э. Маматов, Н. М. Маҳмудов, М. Х. Ҳақимов, И. А. Азимова, М. М. Юлдашев, С. У. Боймирзаева, Ш. Н. Турниёзова, Д. С. Худойберганова, Н. К. Турниёзовларнинг, матн грамматикаси бўйича М. Т. Тўхсановнинг, ўзбек тилида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларни ўрганиш борасида Ғ. Н. Зикриллаевнинг ишлари диққатга сазовор⁵.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда ўзбек тилида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларнинг мазмуни гап ва микроматн доирасида монографик тарзда текширилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ ва ўзлаштирма сўроқнинг коммуникатив мақсад категорияси воситалари орасида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек адабий тилида синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликни изоҳлаш;

хорижий ва ўзбек тилшунослигидаги матн лингвистикаси ҳамда матн грамматикаси талқинини, яъни матннинг мазмуний, коммуникатив ва тузилиш жиҳатдан яхлитлигини шарҳлаш;

ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ ва ўзлаштирма сўроқнинг морфологик воситалари зохирий хусусиятини тавсифлаш;

⁵ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, «Сангзор», 2006. – 92 б.; Маматов А. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А. Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2012. – Б. 212 – 220; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб ... // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. – Тошкент, 2012, 5 -сон. – Б. 3 – 16; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Фил. фан. номз. дис... автореф. – Фарғона, 2004; Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи. Фил. фан. номз. дис... автореф. – Тошкент, 2008; Юлдашев М.М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Фил. фан. док. дис... автореф. – Тошкент, 2009; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Фил. фан. док. дис... автореф. – Тошкент, 2010; Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент, «Фан», 2010; Турниёзова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари. Фил. фан. номз. дис... автореф. – Тошкент, 2010; Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент, «Фан», 2013. – 136 б.; Турниёзов Н. Матн лингвистикаси (маърузалар матни). – Самарқанд, СамДЧТИ, 2004; Тухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи. Автореф. дис... канд. фил. наук. – Бухара – Андижан, 1987. – 137 с.; Зикриллаев Ғ. Н. Семантико-функциональное исследование системы предикативных категорий узбекского глагола. Док. дисс. Ташкент, 1990. – С. 71 – 76; Зикриллаев Ғ. Н. Ўзбек тили морфологияси. – Бухоро, 1994. – Б. 23 – 24; Зикриллаев Ғ. Истиклол ва адабий тил. – Тошкент, «Фан», 2004. – Б. 103 – 113; Зикриллаев Ғ. Руҳ ва тил. – Тошкент, «Фан», 2018. – Б. 307 – 315.

ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларнинг мазмунини, аниқроғи лисоний хусусиятининг воқеланиши ҳамда бу хусусиятнинг матн таъсирида чекинишини гап ва микроматн доирасида очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида замонавий ўзбек адиблари Ў.Ҳошимов, Т.Малик, Ш.Холмирзаев, Т. Мурод, Э. Аъзамов ва Ш. Бўтаевнинг 30 дан ортиқ насрий асарларида (4000 дан зиёд саҳифа) учрайдиган ўзлаштирмалик ифодаланган гап ва микроматнлар танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситалар ҳамда бу воситалар орқали гап ва микроматнда ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ ва ўзлаштирма сўроқ ифодаланишини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, компонент, матний, контекстуал таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик *фeъл + -(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -ган эмиш, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -(а)ётган экан, -(а)ётган эмиш, -адиган (-йдиган) экан, -адиган (-йдиган) эмиш, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -син экан, -син эмиш* каби морфологик воситалар орқали ифодаланиши мисоллар асосида далилланган;

ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситалар коммуникатив мақсад категорияси аъзоси сифатида ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ, ўзлаштирма сўроқни билдирувчи гуруҳларга ажралиши фактик материаллар билан исботланган;

ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларни бетараф, қулай ойдинлаштирувчи ва таъкидловчи матнда олиб қараш орқали бу воситаларда эшитилганлик маъноси бир хил эмаслиги аниқланган;

ўзбек тилида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларнинг ўзлаштирмаликни билдирувчи синтактик воситалар билан ўзганинг нутқини ўзлаштириб баён этиши жиҳатидан ўхшашлиги, морфологик воситаларнинг синтактик воситалардан хабар манбаининг кўрсатилмаслиги ва нутқ фeълларининг қўлланмаслиги билан фарқланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмаликнинг назарий жиҳати ишлаб чиқилган;

ўзбек тилида ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ ва ўзлаштирма сўроқнинг лисоний-нутқий хусусиятини контекстуал ва матний таҳлил қилишнинг назарий ва амалий масалалари очиб берилган;

ўзлаштирмаликни ифодаловчи воситаларнинг гап ва микроматн доирасида лисоний хусусиятининг воқеланиши ҳамда бу хусусиятнинг матн таъсирида, яъни ноқулай гап ва матнда чекинишини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмалик коммуникатив мақсад категориясининг бир тури эканлиги насрий асарлардан олинган мисоллар асосида кўрсатиб берилган;

Ўзлаштирмаликнинг шакл ва мазмуни таҳлилу тадқиқида тилнинг руҳий-ижтимоий хилқат эканлиги ҳақидаги назарий фикрга асосланиш, бунга қатъий риоя қилиш эса тилимизнинг бош хусусиятига мос келмайдиган русча қолип ва андозалардан қутулишда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ишнинг ўрганилиш доираси аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ишончли илмий манбалардан олинганлиги, қиёсий-типологик, компонент, матний, контекстуал таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг меъёрий грамматикасини яратишда, матн грамматикаси йўналишидаги тадқиқотларнинг юзага келишида, ўзлаштирмаликнинг морфологик йўл билан ҳам ифодаланишига доир назарий хулосаларидан морфология ва матн грамматикаси йўналишларида олиб бориладиган ишларда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида «Ҳозирги ўзбек тили», «Бадиий матн таҳлили», «Матннинг филологик таҳлили», «Матн тилшунослиги» каби фанларни ўқитиш, махсус курс ва семинарлар ўтиш, янгидан яратиладиган дарслик ҳамда қўлланмаларни мукамаллаштиришда, мухбир ва сухандонлар учун адабий тил меъёрларини белгилашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик ва матн муносабатини таҳлил қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик *феъл + -(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -ган эмиш, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -(а)ётган экан, -(а)ётган эмиш, -адиган (-йдиган) экан, -адиган (-йдиган) эмиш, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -син экан, -син эмиш* каби морфологик воситалар орқали ифодаланиши ўқувчи ва талаба ёшларда миллий ғурурни шакллантириши каби назарий хулосалардан «ОТ-Ф1 Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017 – 2020 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 89-03-133-сон маълумотномаси). Натижада грант лойиҳаси миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тилга руҳий-ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиб, ўзбек тилини ўзига хос хусусияти асосида ўрганиш ва таълимга татбиқ қилишдан ҳам фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар билан бойитилган;

Ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситалар коммуникатив мақсад категорияси аъзоси сифатида ўзлаштирма хабар, ўзлаштирма буйруқ,

Ўзлаштирма сўроқни билдирувчи гуруҳларга ажралиши ҳақидаги фикрлардан ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012–2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 89-03-133-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа лексик сўз ясалишига оид илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

Ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларни бетараф, қулай ойдинлаштирувчи ва таъкидловчи матнда олиб қараш орқали бу воситаларда эшитилганлик маъноси бир хил эмаслиги ҳақидаги илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Долзарб мавзу» кўрсатуви ва Бухоро радиосининг «Кун мавзуси» эшиттириши дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 18 январдаги 71-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабий тили синтаксисининг ўзига хос хусусиятини акс эттирувчи ўзлаштирмаликнинг морфологик воситалар билан ифодаланиши, уларнинг уларнинг гап ва микроматн доирасида қўлланиши ҳақидаги маълумотлар томошабинларнинг ўзбек тилига бўлган қизиқишини кучайтирган, радиоканал ижодий жамоасининг ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусиятига оид билимларининг кенгайтишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 16 та, жумладан, 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида маърузалар кўринишида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, шулардан 3 та илмий мақола халқаро журнал, 1 та илмий мақола Scopus базасидаги журналда ва 8 та илмий мақола республика илмий журналларида чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг асосий ҳажми 158 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзлаштирмаликнинг гап ва микроматн билан муносабати» деб номланган. Бобнинг «Ўзлаштирмалик

ва гап» номли биринчи бўлимида ўзбек тилидаги ўзга гапнинг турлари: кўчирма гап, ўзиники бўлмаган ўзга гап ва ўзлаштира гап ҳамда уларнинг содда ва қўшма гапга муносабати таҳлил қилинади.

Ўзбек тилида ўзлаштирмалик икки усул билан ифода этилади: бири синтактик, бири морфологик.

Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштирмаликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга қўшимча ёки ёрдамчи сўз қўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан келишиқ қўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади: *Ол+ган+и+ни айт+ди. Ол+иш+и+ни айт+ди. Ол+моқчи+лиг+и+ни айт+ди. Ол+ган+и ҳақида гапир+ди* ва ҳоказо.

Шўро даврида ўзлаштирмаликнинг асосан ана шу тури назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб олий ва ўрта таълимга татбиқ этилди яъни қоидалаштирилиб кодификация қилинди.

Ўзлаштирмаликнинг иккинчи тури ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ бўлиб унинг энг кичик кўриниши феълнинг ўзак, негизига қўшимча қўшиш билан ҳосил бўлади. Лекин ўзлаштирмаликнинг бу тури махсус тадқиқ қилиниб назарий жиҳатдан етарли асосланмаганидан бўлса керак, ўрта ва олий таълимга татбиқ этилиб дарслик ва қўлланмаларга киритилмади.

Ўзбек тилида морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмалик ҳам мазмунан уч хил кўринишга эга: 1) ўзлаштира буйруқ, 2) ўзлаштира хабар (истак ва ҳоказо), 3) ўзлаштира сўроқ. Мазкур маъноларни ифодалашда қуйидаги воситалар қўлланади: *-(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -ган эмиш, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -(а)ётган экан, -(а)ётган эмиш, -адиган (-йдиган) экан, -адиган (-йдиган) эмиш, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -син экан, -син эмиш* шакллари ҳамда *от ва бошқа сўз туркумлари + экан, эмиш тўлиқсиз феъли* ва б.

Бобнинг иккинчи бўлими «Хорижий тилшуносликда матн ва унга алоқадор масалалар талқини» деб аталади. Хорижий тилшуносликда *матн* тушунчасининг пайдо бўлиши гапни ўрганиш жараёнида ундан катта синтактик бирлик яъни ўзаро боғланган гаплар гуруҳига эътибор бериш билан боғлиқ. Жумладан 1949 йилда К. Боаст шундай ёзади: Бир гапни бошқасига улайдиган чизимча шу қадар кўпки, гаплар ўзаро шу қадар чатишиб кетганки алоҳида олинган ҳар бир гапни бошқаси билан узвий боғланган деб хулоса чиқаришга тўғри келади⁶. Булар дастлаб *гапдан йирик бутунлик* (нем. *übersatzmässiges Ganzes*, рус. *сверхфразовое единство*), *мураккаб синтактик бутунлик* (сложное синтаксическое целое), *гаплар ҳамкорлиги, гуруҳи* (нем. *Satzgemeinschaft*) деб номланади. Бундай бирликка нисбатан кейинчалик

⁶ Boast K. Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, Berlin/Leipzig, Jahrg. 1949, Heft 3. 9-б.

Ўзбек тилида *матн*, немис ва рус тилларида (Text) *текст*, инглиз ва француз тилларида *discourse, discours* атамаси қўлланади. Бунинг сабаби шундай изоҳланади. Одатда алоҳида сўз билан эмас, гап ёки матн воситасида гапирамиз⁷. Тилдан фойдаланганимизда асосий бирлик вазифасини сўз ёки гап эмас, матн бажаради⁸. Нутқнинг тугалланган фикр ифодалайдиган асосий бирлиги гап эмас, матндир⁹.

70-йилларнинг бошида гапдан йирик бутунлик (матн)ни тадқиқ этишга қизиқиш янада ортади. 60 – 80- йилларда амалга оширилган тадқиқотлар самараси ўлароқ *матн лингвистикаси* шаклланади.

Шуни таъкидлаш жоизки матн атамаси тилшуносликда икки хил бирликка нисбатан ишлатилади. Матн деганда бир жиҳатдан сўзловчи нуқтаи назаридан тугалланган фикр ифодаловчи бир ёки бир нечта гап тушунилади; иккинчи жиҳатдан ҳикоя, қисса, роман, илмий асар, газета, журнал мақоласи, турли хил ҳужжат кабилар назарда тутилади. Бунинг боиси шуки гапдан йирик синтактик бирлик билан бутун бошли асарнинг умумий жиҳати бор. Бу уларга хос мазмуний, нутқий (коммуникатив) ва тузилиш жиҳатдан яхлитлиқдир. Аммо улар орасида тафовут ҳам мавжуд. Шунга кўра, – деб ёзади проф. О. И. Москальская, – гапдан йирик бутунлик синтактик ҳодиса. У синтаксиснинг гапдан фарқ қилувчи алоҳида босқичи бўлиб асосан *матн грамматикаси* объекти ҳисобланади. Бутун бошли асарни эса грамматик тушунчаларга асосланиб изоҳлаб бўлмайди. Бундай ҳолда матн лингвистикасининг объекти иккита деб эътироф этилган бўлади: 1) гапдан йирик бирлик ёки *микроматн* (нем. Kleintext, рус. микротекст) ва 2) бутун бошли асар ёки *макроматн* (нем. Großtext, рус. макротекст).

Микроматн яхлитлиги 1) тузилиш (структура), 2) мазмун ва 3) нутқий (коммуникатив) кўринишга эга. Булар микроматннинг шакли, мундарижаси ва вазифаси (функцияси)га мос келади¹⁰.

Бобнинг учинчи бўлими «Ўзбек тилшунослигида матн грамматикаси тадқиқи» деб номланган. Ўзбек тилшунослигида *матн лингвистикаси* кенг кўламда жадал суръатлар билан тадқиқ этилмоқда. *Матн грамматикаси* эса тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ҳолбуки ушбу соҳа объекти сифатида қаралганда микроматннинг гап билан муштарак жиҳатлари борлиги яққол намоён бўлади.

Бизга маълум бўлишича грамматик ҳодиса сифатида микроматн ўзбек тилшунослигида ҳозирга қадар фақат битта номзодлик диссертациясида¹¹ объект қилиб олинган. Унда *нутқда икки ва ундан ортиқ гапнинг семантик-синтактик жиҳатдан бирикиши микроматн деб эътироф этилади*. Шу таърифга асосланиб аввало микроматннинг кўшма гапдан фарқи белгиланади.

⁷ Weinrich H. Linguistik der Luge. Heidelberg, 1966.

⁸ Halliday M.A.K. Language Structure and Language Function. Y. Xyons (ed.). New Horizons in Linguistics. Harmondsworths, 1970.

⁹ Москальская О.И. Грамматика текста. Москва, Высшая школа, 1981. 9-б.

¹⁰ Москальская О.И. Грамматика текста. Москва, Высшая школа, 1981.16-б.

¹¹ Тухсанов М. Микротекст и система средств выражения его когерентности в узбекской художественной речи. Канд. дисс. – Бухара-Андижан, 1987. – 142 с.

Диссертацияда германистикадаги мавжуд қарашларга асосланилгани боис микроматнга ҳам яхлитлик хос ва у мазмуний (лисоний), коммуникатив (нутқий) ҳамда зохирий (структур) белгидан таркиб топган дейилади.

Коммуникатив яхлитлик микроматн таркибий қисмларининг узвийлиги яъни кетма-кет занжирсимон алоқасидан иборат. Микроматн таркибидаги ҳар бир кейинги гап нутқий (коммуникатив) жиҳатдан ўзидан олдинги гапга таяниб ахборотни давом эттиради. Натижада тема-ремастик занжир ҳосил бўлиб, унинг ниҳояси микроматн чегарасини билдиради. Шундай қилиб темаремастик занжир матн ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Бу вазифанинг гап синтаксиси эмас, матн синтаксисига ҳослиги алоҳида таъкидланади.

Микроматннинг мазмуний ва тузилиш жиҳатдан яхлитлиги биргаликда олиб қаралади. Мазмуний яхлитлик тема деб аталади. Тема деганда микроматннинг мазмуний ядроси яъни бутун матнга хос умумлашган мазмун тушунилади. Айни пайтда диққат-эътибор кўпроқ микроматн қисмларининг ўзаро муносабатига қаратилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзлаштирма хабарнинг гап ва микроматнда ифодаланиши**» деб номланади. Бобнинг биринчи бўлимида *-(u)бди* шаклининг ўзлаштирма хабар ифодалаши таҳлил қилинади. *-(u)бди* шакли ўзлаштирма хабарни биргина феълдан иборат гапда ифодалайди. Аммо бу шакл эшитганлик ва кейин билганликка бетараф бўлганидан бу маънолардан қайси бири ифодаланганлигини билиш учун контекстуал таҳлилга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу шакл қўллаган гапни таҳлил қиламиз: – *Олибди*. (Т. Мурод, Отамдан қолган далалар, 8). Мисол битта сўз яъни *-(u)бди* шаклидан иборат. Шаклнинг биричи қисми (феълнинг ўзаги) инсонга хос ҳаракатни билдиради. Бу луғавий маъно деб аталади. Шаклнинг иккинчи қисми *-(u)бди* орқали бир неча грамматик маъно ифодаланади. Шулардан бири *эшитилганлик* маъносидир. Қўшимчадан ҳаракатнинг бевосита кузатилмаганлиги сезилиб турибди. Аммо хабар манбаи аниқ эмас. Аниқроқ қилиб айтганда ҳаракатни сўзловчи тингловчининг ўзидан эшитиб ўзлаштириб баён қилаётганлиги ёки у ҳақда бошқа манбага асосланиб хабар бераётганлиги аниқ эмас. Сўзловчи Салоҳиддин бўйрачи, тингловчи Кетмон лақабли деҳқон Жамолиддин, нутқий амал ўрни Фарғона, воқеа жойи Тошкент, воқеа вақти 19-асрнинг охириги чораги эканлиги назарда тутилса, сўзловчи *-(u)бди* шакли орқали бировдан *эшитган ҳаракат* ҳақида хабар бермоқда дея оламиз.

Ўзлаштирма хабарнинг икки қисмдан иборат бўлишини юқорида кўрдик. Бир сўзли гапда унинг биринчи қисми (*эшитилган хабар*) ифодаланади ҳолос. Унинг иккинчи қисми (*хабар манбаи*) контекст бошқа гап ёки микроматнда лисоний восита ва ғайрилисоний омил ёрдамида намоён бўлади. Нутқий вазият бошқача айтганда нутқий мақсади вазифага кўра бевосита кузатилмаган хабарнинг иккала қисми битта гапда воқеланади. Бундай ҳолда гап кенгайиб, сўз сони ортади. Мисол: *Ойимнинг айтишига қараганда, у ёши ўттизни қоралаб қолгунча ҳам эрга тегмабди*. (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси, 177). Ушбу мисолда сўзловчи онасидан эшитган хабарни тингловчига *-(u)бди* шакли орқали баён қилмоқда.

Бобнинг иккинчи бўлимида *-ган экан* шаклининг ўзлаштира хабар ифодаланиши таҳлил қилинади. *-ган экан* шакли эшитилган иш-ҳаракатни ифодалаш учун III шахсда кўп қўлланади. Бундай ҳолда эшитилган иш-ҳаракат қисман ўзгартириб баён қилинган *ўзлаштира гап* ҳосил бўлади. Эшитилганлик фикри баён қилинаётган шахс (хабар манбаи, хабар эгаси) билан узвий боғлиқ. Шу учун эшитилганликнинг намоён бўлишига қулайлик туғдирувчи восита билан бирга хабар манбаининг қандай ифодаланиб қаерда келишига ҳам эътибор берилади: – *Балнисага жўнатибоқ Турсунингга хат ёзиб берган эдим. – Тўхта – деди Икромжон. – Умматали амакинг хат ёзиб берган экан, нега ўша кун менга етказмадинг* (С. Аҳмад, Уфк). Бу мисолда хабар берувчи (*Умматали*) *-ган экан* шакли билдирган иш-ҳаракатнинг субъекти бўлиб ўзлаштира гапда келган. Қулай восита вазифасини мисолдаги биринчи гап бажаради. Бу гап тушириб қолдирилса иш-ҳаракатнинг эшитиб хабар берилгани аниқ сезилмайди. Сўзловчи ундан бирор восита (далил) ёрдамида хабардор бўлганлигига ишора намоён бўлади. Бу мисолда ўзлаштирмалик шундан иборатки қулай восита вазифасидаги кўчирма гапнинг бир қисми (*хат ёзиб берган*)га *экан* ёрдамчи феъли ҳамда хабар манбаи кўшиб баён қилинган.

У ҳам бошидан ўтганларни сўзлаб кетди: – Чимкентга бир амакисини қора тортиб борган экан (Ғ. Ғулом, Шум бола). Ушбу мисолда қулай восита вазифасини муаллиф гапи бажариб ўзлаштира гапдан олдин турибди. Хабар манбаи (*У*) *-ган экан* шакли билдирган иш-ҳаракат субъекти бўлиб қулай восита таркибида келган. Бу гапнинг ўзлаштира гап эканлигини шундан ҳам билса бўладики муаллиф гапини ўзгартирмай *экан* тўлиқсиз феъли *эди* билан алмаштирилиб I шахсга қўйилса кўчирма гап ҳосил бўлади.

Сўзловчи иш-ҳаракатни аниқ бир шахс эмас, шахслардан эшитган бўлса, хабар манбаи вазифасида *одамларнинг айтишига қараганда, айтишларига қараганда, суриштирсам, сўраб суриштириб билишдики* каби восита қўлланади: *Сўраб суриштириб билишдики, ўзиям хокисор, энг муҳими чакагига зўр бермайдиган аёл экан, унинг кўз очиб кўрган завжи фарзандсизлик туфайли бошида бир қизга уйланиб кетган экан* (Ш. Бўтаев, Қўрғонланган ой, 12).

Халқ оғзаки ижоди (достон, эртақ, ривоят, ҳикоят, мақол ва ҳоказо)да хабар манбаи кўрсатилмайди: *Фиръавн унинг хуснига мафтун бўлиб ўзига никоҳлаб олган экан* (Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин, 96).

Айрим ҳолда фикри ўзлаштирилган шахс иш-ҳаракатни бошқа кишидан эшитиб сўзловчига хабар беради: *Профессорни зарил иш билан аллақайёққа чақиритган экан. Доктор айтдилар* (Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор, 127).

Бобнинг учинчи бўлимида *-(а)р экан* шаклининг ўзлаштира хабар ифодаланиши таҳлил қилинади. *-(а)р экан* шакли *ўзлаштирмалик* (*эшитилганлик*), *хулоса* (далилга асосланган), *ҳозирги ва келаси замон маъноларини* қулай восита ёрдамида ифодалаб мустақил гап ҳосил қилади.

Ўзлаштирмалик нутқий мақсаду вазифага қараб *ўзлаштира хабар, ўзлаштира сўроқ ва ўзлаштира буйруқ* (ундаш) тарзида намоён бўлади. Ўзлаштирмалик замирида *эшитилганлик* ётганидан фикри, буйруғи баён

қилинадиган шахс (хабар манбаи)нинг қандай ифодаланишига алоҳида эътибор берилади. *Ўзлаштира хабарнинг* ҳажми кўп жиҳатдан хабар манбаи қандай ифодалангани ва қаерда келишига боғлиқ бўлади.

Хабар манбаи вазифасини бажарувчи сўз *-(а)р экан* шакли билдирган иш-ҳаракат субъекти бўлса ўзлаштира гап (хабар) таркибида келади: *Биттаси сени танир экан* (Т. Малик, Савоҳил, 103). Бу мисолда сўзловчи Талъат мақсумнинг *уни (Асадуллани) танийман* деган фикрини ўзлаштириб баён қилган. Уни кўчирма гапга айлантурса ҳам бўлади. *Биттаси сени танийман деди*.

Хабар манбаи вазифасида сўз бирикмаси келади: *Ойимнинг айтишича, Шоқир ака билан Зоқир ака трактор ҳайдаркан* (Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси, 58).

Нутқий вазият талабига кўра хабар манбаи алоҳида гапда қўлланади: – *Санамжон, мен қамалмас эканман. Раис опам шунақа дедилар, Ўлмас опам ҳам шунақа дедилар* (Ш.Холмирзаев, Букри тол, 92). Мисолдан кўриниб турибдики сўзловчи ўзи ҳақидаги хабарни *-(а)р экан* шакли орқали ўзлаштириб тингловчига (*Санамжонга*) баён қилаяпти. Хабар манбаи эса икки кишидан ташкил топган бўлиб (*Раис опам, Ўлмас опам*) ўзлаштира хабардан кейин келган гапда берилган. Қуйида мисолда эса хабар манбаи ўзлаштира гапдан олдинги гапда қўлланилган бўлиб улар орасида битта гап бор: *Дадаси айтдилар. Кўчқорни семиртириб турадиган бўлдик. Очилбой яна битта орден олса командири отпусқа бераркан* (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси, 291).

-(а)р экан шаклидаги иш-ҳаракат икки марта ўзлаштириб баён қилиниши ҳам мумкин: *Саодатга бир йилдан бери ҳар куни деярли совчилар қатнар, кампир ҳаммасига ҳам боши боғлиқ деб жавоб қилар экан. Шунинг баробарида менинг оғзимни пойлар ёки киши қўйишимни кутар экан* (А.Қодирий, Ўтган кунлар, 238). Кўриниб турибдики, сўзловчи совчидан эшитган фикрни ўзлаштириб баён қилмоқда, совчи эса иш-ҳаракатни кампирдан эшитиб унга хабар берган.

Халқ оғзаки ижоди (достон ва ҳоказо)да биринчи хабар манбаини умуман аниқлаб бўлмайди: – *Сенга битта ақлли гап айтайми, эшит: дунёдаги ҳамма туя ҳаммомга тушиб чўмилишини орзу қиларкан* (Т.Малик, Талваса, 387).

Бобнинг тўртинчи бўлими «Исмий кесим ва ўзлаштира хабар» деб номланган. Бу бобда ўзлаштира хабарнинг исмий кесим орқали ифодаланиши таҳлил қилинади.

Кесимнинг ушбу тури икки ёки уч қисмдан таркиб топади. Биринчи қисм вазифасида от, отлашган сўз, олмош, сифат, равиш, сон, ҳаракат номи ва ҳоказо келади. Иккинчи қисм тўлиқсиз феъл (*экан, эмиш*)дан иборат. Ҳосил бўлган бирикма III шахс шакли деб аталади (масалан, *Ўқитувчи экан. Қизил экан. Катта экан. Ўша экан.*) Тўртта қўшимча ёрдамида II шахс (масалан, *Шахматчи экансан. Шахматчи экансанлар. Ўқитувчи экансиз. Ўқитувчи экансизлар*), иккита қўшимча воситасида I шахс ясалади (масалан, *Бола эканман. Бола эканмиз.*).

